



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 78 (12.139)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадр-лаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 67 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 400 000 (тўрт юз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Марказий банки Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 18 апрель

Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР — БОШ МЕЗОН

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Унда жамиятимиз ҳаётида устувор аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, амалдаги қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш, иқтисодий-ниҳол ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, саноатни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари, тўй-ҳашамлар ўтказилишини тартибга солиш, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва бошқа қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмонов олиб борди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 23-24 март кунлари ўтказилган саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Давлат ҳокимияти вакилик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида», «Оила-

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Бадий академиясида Мустаҳкам оила йили муносабати билан «Оила

соғлом экан — жамият мустаҳкам» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **«КЕЛАЖАККА ҚАДАМ»** лойиҳаси доирасида «Камолот» ЁИХ Олмазор туман бўлими Кенгаши

томонидан «Камалак» болалар ташкилотига аъзо бўлган йигит-қизларнинг Ўзбекистон Давлат тарихи музейига саёҳати уюштирилди, шунингдек, ўсмирлар иқтидорли ёшлар билан учрашиб,

ҳаракат фаолияти билан яқиндан танишдилар.

✓ **ТАСВИРИЙ** санъат галереясида иқтидорли расмчи Татьяна Лининг «Тушлар рўёби» номили кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.



Отабек Мирзоатов (ўса) олган сурат.

БАНКНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЭЪТИРОФИ

Амстердамда (Голландия) «Болалар ва ёшларнинг халқаро банклар ва кредит-молия институтлари маблағларидан фойдаланиши» мавзусида бўлиб ўтган биринчи бутунжаҳон саммитида Ўзбекистон Республикасининг «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ёшлар учун молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги етакчи банклардан, шунингдек, болалар ва ёшлар маблағлари каби йўналишни ривожлантираётган дастлабки банклардан бири сифатида эътироф этилди.

Унда дунёнинг 80 давлатидан 340 дан ортик молия институтлари, 40 мамлакатдан 70 нафар ёш авлод вакиллари қатнашди. Тадбир ЮНИСЕФ болалар жамғармаси, ЮНЕСКО, «Deloitte», «KPMG», «Ernst&young» каби аудиторлик компаниялари кўмагида «Ёшларнинг молия маҳсулотларидан фойдаланиши» фонди томонидан ташкил этилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар ёшларга ўз ижодий қобилиятини тўла намоён этиши, иқтисодий фаолият ва хусу-

сий тадбиркорлик соҳасида қатнашиш учун кенг имкониятлар очиб берди. Бу борада мамлакатимиз акциядорлик-тижорат банклари муҳим ўрин тутмоқда. Уларнинг фаолияти бугунги кунда ёшлар олдига турган таълим олиш, ишга жойлашиш, дам олиш, уй-жойга эга бўлиш каби масалаларни ҳал этишга қаратилмоқда.

Ушбу йўналишда «ChildFinance» халқаро саммити танловида ўз ютуқларини муваффақият билан намоён қилган «Микрокредитбанк» фаолият кўрсатмоқда. Банк ёшлар учун «Гулгунча» депозити, «Келажақ учун

инвестициялар», хорижий тиллар ва компьютер саводхонлигини ўрганиш учун молиявий шароитлар, коллежлар битирувчилари учун бошланғич капитал, лицей ва коллежлар битирувчилари учун семинарлар, тўй маросимларини ўтказиш учун банк билан ҳамкорлик, ёш оилалар учун истеъмол ва ипотека кредитлари, таълим кредитлари хизматлар пакети, «Ёш тадбиркор — мамлакат таянчи» ва «Менинг бизнес-ғоям» лойиҳа-танловлари каби банк маҳсулотлари ҳамда хизматларини тақдим этмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси томонидан «Биз — бир жамоа, биз — бир оила» ижтимоий акцияси ўтказилди.

• Сурхондарё вилояти Узун туманидаги «Tumaris Istiqbol Tekstil» хусусий корхонаси жамоаси «Микрокредитбанк»нинг имтиёзли кредитидан самарали фойдаланиб, Янги-рўзгор маҳалласида болалар ва эркаклар кийим-кечаклари ҳамда пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунинг учун корхонага юз миллион сўмликдан ортик замонавий хориж технологияси ўрнатилди. Корхонада 20 нафар хотин-қиз меҳнат қилиб, ўн олти турдаги эркаклар ва болалар кийим-кечаклари, пайпоқлар тайёрланмоқда.

• Ўзбекистон Миллий матбуот марказида аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш, четдан келтириляётган tibбий воситаларнинг сифатини назорат қилиш ва қалбаки дори тарқалишига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, фармацевтика саноати соҳаси вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

• Иқтисодий ночор, инқирозга учраган корхоналарнинг тижорат банклари тасарруфига ўтказилиши бугун ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ўтган йили Фарғона вилоятидаги 16 та саноат корхонасида молия муассасалари кўмаги билан ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланди. Ушбу мақсадлар рўёби учун 90 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Вилоят марказида фаолият кўрсатаётган «Сабо-пойабзал» корхонаси ҳам ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан бири. «Алоқабанк»нинг молиявий кўмаги билан бу ерда жаҳон стандартларига жавоб берадиган 100 турдаги оёқ кийим маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Энг муҳими, 60 нафарга яқин мутахассислар ана ўз иш жойларига қайтишди. Улар томонидан қисқа фурсатда 20 минг жуфтдан ортик пойабзал тайёрланиб, савдога чиқарилди.

ЖАҲОНДА

• Хитой жанубидаги Жиангши вилоятида олиб борилган қазилма ишларида 1800 йил олдинги олтин, қумуш ва феруза буюмлар топилди, дея хабар қилади Рейтер ахборот агентлиги. Жиангши вилоятининг Шиши шаҳрида олиб борилган қазилма ишларида 150 метр чуқорликдаги қабристондан бир ой давомида юзга яқин тарихий ашёлар топилди. Топилмалар орасида чўкич, қайчи ва пиёлалар бўлиб, улар деярли беэиён қовлаб олинган. Хитойнинг Фарбий хонлик оиласига мансуб нодир ашёлар хорижликлар ҳайрат билан томоша қилмоқда.

• Саудиялик миллиардер шахзода Ал-Валид бин Таҳал Жидда шаҳрида дунёнинг энг баланд биноси бўлиши кутилаётган «Қирол минораси» 63 ой, яъни 5 йилу 3 ой давомида бунёд этилишини баён қилди. Қайриб 1000 метр баландлиги билан Дубайдаги дунёнинг энг баланд минораси «Бурж Халифа»ни ортда қолдирадиган «Қирол минораси» Жидданинг шимолидаги 5,3 миллион квадрат метр майдонга қурилиши режалаштирилган.

• Америка Қўшма Штатларининг Георгий штатида талвасага тушиб қолган 6 ёшли мактаб ўқувчисининг қўлларига полиция кишан тақиб, назорат остига олди. Бундан хабар топган қизнинг ота-онаси воқеа жойига етиб келганда Жерси ерда бехуш ётарди. Ўқувчига биринчи тез tibбий ёрдам кўрсатаётган шифокорлар унинг қирғинбарот уруш киноларини кўриб, шу ҳолга тушганини тахмин қилишмоқда.

• Покистоннинг шимолий ғарбидаги Хайбар Пактуна вилоятида Рихтер шкаласи бўйича 5,2 балли zilзила содир бўлди. Покистон метеорология ва сейсмология ташкилотининг маълумотларига кўра, zilзиланинг маркази Хиндукуш тоғларидир. Ер силкиниши Пешаворда ҳам сезилган. Zilзила туфайли қурбонлар ёки талафотлар бўлмаган.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бинобарин, 2012 йилнинг 1-чорагида 16 та инвестицион лойиҳаларни яқунлаш ва жами 6,2 млн. сўмлик инвестициялар ўзлаштириш мўлжалланган эди.

Бу ўринда Миробод туманидаги «Шэф-фок сервис» қўшма корхонаси яхна ичимликларни ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳисобига 1,6 млн. АҚШ доллари, Олмасор туманидаги «Techno Print» хусусий корхонаси ёзув қроғози ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳисобига 202 минг АҚШ доллари, Сергели туманидаги «Ориент мебель» қўшма корхонаси томонидан эшик блокларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига 300,0 минг АҚШ доллари миқдорда инвестициялар ўзлаштирилганлигини мисол қилиб айтиш мумкин.

Сессияда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, саноатни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, иқтисодиётга хорижий инвестициялар, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини ташкил этиш борасида қабул қилинган дастурлар ижроси бўйича қатъий мониторинг ўрнатиш, давлат ва ҳудудий дастурлар доирасида инвестицион лойиҳаларнинг ишга туширилиши билан бирга янги иш ўринларини ташкил этиш борасида белгиланган прогност кўрсаткичларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш, инвестиция ва саноатни ривожлантириш дастури асосида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг тармоқ жадалларига мувофиқ бажарилиши ва инвестицияларнинг ўзлаштирилиши бўйича мониторинг олиб бориш ҳамда қувватларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш, бўш турган майдон ва қувватларни хатловдан ўтказиш орқали кичик ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ҳудудий инвестиция ва саноатни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мобайнида тадбиркорлик субъектларининг молиявий аҳоли, уларнинг лойиҳаларини амалга оширишга бўлган имкониятлари ва шарт-шароитларини атрофича ўрганиб чиққан ҳолда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан таҳлил қилиб бориш ва уларни теозкор ҳал этиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ва бошқа тегишли идораларга таклиф қилиб бориш тавсия этилди.

Мамлакатимизда қадимдан авлоддан авлодга ўтиб келаётган турли маросим, урф-одат ва анъаналар, халқимизнинг қадим тарихига бориб тақалувчи бебаҳо

маънавий мероси, қадриятлари, орзу-уй, истаклари улкан маънавий бойлигидир. Юртимиз мустақилликка эришгач ана шундай маънавий бойлигимизни тиклаш, бойитиш учун яна кенг имкониятлар яратилди.

Сессияда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Бахтиёровнинг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги ахбороти тингланди.

Ушбу масала юзасидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар кўмитасининг бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда туман ва барча маҳалла фуқаролар йиғинларида тўй-ҳашам, маросим ва оилавий тадбирларни мувофиқлаштириш юзасидан таклифи маъқулланди.

Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР — БОШ МЕЗОН

Шу билан бир қаторда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова-нинг «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Хотин-қизлар кўмиталарининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 январдаги «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Хотин-қизлар кўмиталарининг маъқеи, масъулияти ва иш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги йиғилишида белгиланган вазифалар ижросига атрофича тўхталиб ўтилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона, ташкилот, муассасаларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 732 та ва Хотин-қизлар кўмитасининг 8041 та бошланғич ташкилотлари янгитдан тузилди.

Шунингдек, ўтган давр давомида маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кўмиталари томонидан шаҳарда истиқомат қилаётган ёш оилалар рўйхатлари қайта тузилди, уларнинг ижтимоий

аҳоли ва шароитлари, бандлик масалалари ўрганилди, маҳаллалар қошида «Қайнона-келин» мактаблари ташкил этилиши натижасида 1020 та оила-лар яратилди, оилавий ажримларнинг олди олинди.

Хар уч йўналиш бўйича шакллантирилган намунавий туман бўлимлари, корхона, ташкилот ва муассасалардаги намунавий бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тегишли чоралар белгиланди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2011 йил 18 октябрдаги «Тошкент шаҳрида 2012 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зияев ҳисобот берди.

Ҳисоботга кўра, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида шаҳримизда жами 18690 та иш ўринлари яратилиши

қўзда тутилган бўлиб, 1 апрель ҳолатига ушбу кўрсаткич 21208 тани ёки 113,5 фоизни ташкил этди. Бу иш ўринлари янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарнинг қувватларини кенгайтириш ва янгилаш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш, яқна тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига яратилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этилган янги иш ўринларининг жами яратилган янги иш ўринларидаги улуши 74,7 фоизни ташкил этди.

2012 йилнинг 1 апрель ҳолатига туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига жами 9950 нафар фуқаролар мурожаат этганлар. Улардан 7934 нафари иш билан таъминланган, 1535 нафари шаҳар ўқув маркази орқали касбга қайта тайёрланган, улардан 1242 нафарини аёллар ташкил этган. Ўтган давр мобайнида 737 нафар фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган.

Жорий йилда шаҳримиздаги 79 та касб-хўна қўшма корхоналари 38879 нафар талабалар битирадилар. Уларнинг бандлигини таъминлаш борасида бир

қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан иш берувчи корхоналар билан тузилган 27056 та уч томонлама шартномалар тафтиш этилиб, қонун талабларига жавоб бермайдиган 4284 та шартномалар қайта кўриб чиқилди. Режа жадалга биноан 79 та касб-хўна қўшма корхоналарида мустақил ташкилот ва корхоналар ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари билан учрашув ва семинарлар ўтказилди.

Сессия кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқадиган вазифаларнинг ижроси бўйича тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётини ислох қилиш ва эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Бектемир тумани ҳокими С.Махаметов ва Юнусобод тумани ҳокими Ш.Азимжоновларнинг ҳисоботлари тингланди.

Ҳисобот юзасидан қабул қилинган сессия қарорида Бектемир ва Юнусобод туманлари ҳокимликларига иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасида ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепциясининг бажарилишини фаоллар йиғилишида танқидий муҳокама қилиш, ислохотлар жараёнига тўққинлик қилаётган сабабларни чуқур таҳлил қилиб, устувор вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар Кенгаши айрим депутатларининг депутатлик фаолиятлари юзасидан ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсманнинг) Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилининг 2011 йилги фаолияти тўғрисидаги ахбороти, Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларида ундирилаётган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар қийматининг янги миқдорини жорий этиш тўғрисида шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

Шу билан бир қаторда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси томонидан ўз ваколати доирасидаги бошқа қатор масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

Тинчлик ва осойишталик — самарали меҳнат қилиш, халқ фаровонлигини оширишнинг асосий омилдир.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қабул қилинган «Тошкент шаҳрида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш борасида амалга оширилаётган ишларга мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва муассасалар, ўзини ўзи бошқариш идоралари ва фуқароларни кенг жалб этиш, шу орқали жамоатчилик назоратини ўрнатиб, унинг таъсирини ошириш, аҳоли хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ишларни янада кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қарорга мувофиқ шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда жисмоний шахсларга тегишли бўлган нотурар объектларга ташқи видео-кузатув ускунасининг ўрнатилиши албатта, жамоат тартиби ва аҳоли хавфсизлигини сақлашда, содир этилаётган жиноятчилик ҳолатларининг тезда очилишида муҳим омил вазифасини ўтайди.

Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, Архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси, туман ҳокимликларига янги қурилаётган нотурар жой объектлари, шунингдек, ўз ҳудудларида нотурар қайта қурилиш ишларини амалга ошираётган субъектларга меъморий лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва қурилишни бошлашга рухсат олиш ҳамда топшириш жараёнида бино-иншоотларга ташқи видео-кузатув камераларини ўрнатиш, шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига ҳудуд профилактика инспекторлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ёрдамида белгиланган тартибда шаҳар ҳудудида ташқи видео-кузатув камера ускуналари ўрнатилиши, режалаштирилаётган ва ўрнатилган объектлар ҳисоби юритилиши тавсия этилди.

СУВ РЕСУРСЛАРИ — ИШОНЧЛИ МУҲОФАЗАДА

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида сувдан оқилона фойдаланиш, трансчегаравий экологик муаммоларни ҳал этишда ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегишли давлат ва жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, ёш тадқиқотчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, сув захиралари камайиши ва ифлосланишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўз самараларини бераётди. Дарёлар сувни ифлосланишининг олдини олиш мақсадида дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш минтақаси ва қирғоқбўйи полосаси белгиланган.

Аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини таъминлайдиган ер ости чучук сув манбаларига муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақоми берилди ҳамда ушбу ҳудудларда сувнинг сифати ва захираси мунтазам кузатиб борилаётган. Сув ва сувдан фойдаланиш борасида мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган халқаро конвенцияларнинг талаблари тўла бажарилмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар ва эришилаётган натижалар халқаро миқёсда ҳам муносиб эътироф этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг март ойида Францияда бўлиб ўтган Олтинчи жаҳон сув форумида бу йўналишда юртимизда эришилаётган ютуқларга юксак баҳо берилди.

Давра суҳбатида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, сув захиралари камайиши ва ифлосланишининг олдини олишга оид маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Қарор ва ижро

ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧЛАР

«Тошкентшаҳаргаз» бошқармасида табиий газ истеъмоли учун тўловларни ҳисобга оладиган «Биллингаз» дастури муваффақиятли жорий этилди. Барча туман бўлимлари билан ягона тармоққа уланган ушбу дастур газ истеъмоли тўғрисида тез ахборот олиш имконини беради.

Газ ҳам сув ва электр энергияси сингари ҳаётий муҳим ресурс ҳисобланади, — дейди ЎЗА муҳбирига «Тошкентшаҳаргаз» бошқармасининг етакчи муҳандиси Одил Ваҳобов. — Шу боис маъмур бебаҳо хомашёдан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Газ ресурсини тежаш мақсадида филиал бўлимлари томонидан эскирган газ ҳисоблагичлар ўрнига замонавий, тежамкор электрон газ ҳисоблагич приборлари кенг тарғиб қилинмоқда ва жорий этилмоқда. Эски ва қўлбола иситиш қозонлари замонавийлари билан алмаштирилаётди. Техник шартларни белгилашда «Тошкентшаҳаргаз» бошқармаси газ таъминоти тизимлари ва узелларининг ишончилигини ошириш, газ сизиб чиқишининг олдини олиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш имконини берадиган замонавий газ ускуналари ва ҳисоблаш приборларини ўрнатиш бўйича муайян меъёрий талаблар қўймоқда.

Февралда қабул қилинган «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ коммунал истеъмолчилар хонадонларига газ ҳарорати ва босимини автоматик бошқарадиган замонавий ҳисобга олиш приборлари ўрнатилмоқда. Аҳоли уйларига табиий газ сарфини аниқ ҳисоблаш мақсадида ҳароратни бошқарадиган ҳисобга олиш приборлари ўрнатилмаётди. Бу ускуналар ҳимоя воситаси ҳамда газни стандарт ҳолатга келтирадиган терморегуляторга эга. Улар «Тошкентшаҳаргаз» бошқармаси ходимлари томонидан абонент ҳисобидан тўловларни бирийўла ёки бўлиб-бўлиб тўлаш орқали хавфсизлик қондаларига риоя қилинган ҳолда қўйилмоқда. Пойтахтимизда аҳолининг 80 фоизи ва юридик шахсларнинг 100 фоизига шундай ускуналар ўрнатилди.

Электрон ҳисоблагичлардан фойдаланиш давлат учун ҳам, истеъмол-

чи учун ҳам фойдалидир. Электрон ҳисоблагичлар ишлатилган газ миқдорини аниқ ҳисоблаш, фойдаланилган ресурс учун тўловларни флэш-карта орқали олдиндан тўлаш имконини беради.

Бундан ташқари, хонадонлар ичида ўрнатилган газ тармоқлари, ускуналар ва ҳисоблагичларнинг техник ҳолати ҳамда хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҳисоблагичларни текшириш давомида уларнинг қабул дастури фарқдорларга мослиги аниқланмоқда. Аҳоли хонадонларига ўрнатилган барча турдаги маийий газ ҳисоблагичлар тўрт йилда бир марта, корхоналардаги газ ҳисоблагичлар эса икки йилда бир марта мажбурий тартибда давлат назоратидан ўтказилмоқда.

Қўллаб муаммолар газ таъминоти тармоқларига ноқонуний уланishi билан боғлиқдир. Бу нафақат ноқонуний, балки хавфли ҳамдир. Чунки ушбу ҳолатлар бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши ва оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Пойтахтимизда бундай ҳолатларни аниқлаш ишлари доимий равишда олиб борилаётган.

Газ таъминоти тизимида янги технологияларни жорий қилиш газ узатиш қувурлари ва тармоқларида унинг сирқиб кетишини бартараф этишга ҳам ёрдам беради.

Роман БОНДАРЧУК



БАНКНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Микрокредитбанк»нинг инвестиция фаолияти, ўқувчи-ёшларнинг алоқаларини мувофиқлаштириш департаменти директори Фарҳод Азизовнинг таъкидлашича, банкнинг ёш мижозлари сафи йил сайини кенгайтиб бормоқда ва бу уларга ажратилган кредитларнинг ўсиб бораётганида ўз аксини топтоқда. 2011 йилда ажратилган кредит маблағлари ҳажми 27,5 миллиард сўмни ташкил қилди. «Микрокредитбанк»нинг касб-хўна коллежлари билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳамкорлик доирасида банк ходимлари учрашувлар, семинарлар ва тадбиркорлик дарсларини ўтказмоқда. Ўтган йили энг омилкор ёшларни қўллаб-қувватлаш учун бошланғич капиталга эга бўлиш ҳуқуқини берадиган сертификатлар топширилди. Натижада коллежларнинг қарийб 1800 нафар битирувчиси ўз бизнес-ғояларини ҳаётга татбиқ этиш имконига эга бўлди.

«Микрокредитбанк» экспертларининг фикрича, ўқувчи-ёшларнинг молиявий саводхонлиги иқтисодий тизимнинг узоқ муддатли муваффақиятининг муҳим воситаси, турмуш сифати стандартлари, аҳоли ва келажак авлод молиявий хавфсизлигини оширишнинг самарали чорасидир. Йигит-қизлар шахсий маблағларини бошқаришга масъулият билан ёндашиб, мавжуд пул ресурсларини тақсимлаш ва ўз оила-ларининг булжак сарф-харajatларини режалаштириш ҳисобидан фаровонлик даражасини оширишга қодирдир.

М. МАМЕТОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

ХАТТАЛИК ТЕЛЕДУРА

ОБОД ШАХРИМ — ОЗОДА ШАХРИМ ҳар шанба — тозалик куни

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР! Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг ораста...

REALTOR GARANT BUSINESS МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

1. Савдога Олмалик шаҳар СИБ томонидан: 1. 21.02.2012 йилдаги 3218-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Примкулов кўчасида жойлашган дўкон биноси қўйилмоқда...

- Узбекистон 5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Олам ва одам» дастури...

- Т/с. 7-қисм. /Премьера/. 8.55 «Ассалом, Ўзбекистон!» 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 10.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

- 12.10 Кутимған томоша 12.15 Вести. Дижурная часть. 12.20 «Кулагин и партнеры» 12.30 Анна Ковальчук в детективном телосериале «Тайны следствия»...

- 13.15 «Музыка вақти» дастури 13.30 «Ил Ман-2» б/ф 13.40 «Музыка вақти» дастури 13.50 «Музыка вақти» дастури...

- Узбекистон 5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Олам ва одам» дастури...

- 16.45 Мультипликация «Чип ва Дейл». 32-қисм. 17.10 «Истидад» 17.25 «Иф қалъаси мабуҳи»...

- 13.15 «Музыка вақти» дастури 13.30 «Ил Ман-2» б/ф 13.40 «Музыка вақти» дастури 13.50 «Музыка вақти» дастури...

- 16.45 Вести. Дижурная часть. 17.00 Вести. 17.30 Местное время. Вести-Москва. 17.50 «Субботний вечер»...

- Узбекистон 5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Олам ва одам» дастури...

- 12.10 «Бакт формуласи» 13.00 Миллий кино: «Нотаниш лавон» 14.00 «Мультипликация»...

- 06.00 «24. Ўзбекистон» ахборот блоки 06.15 «Асарлар савдоси» дастури 06.30 «Худуд» инфомацияси дастури...

- 18.15 Премьера. «Фактор А». 20:00 Вести недели. 20:15 Елена Яковлева, Алексей Бардуков, Галина Зянгинцева, Владислав Ветров, Александр Рубин в фильме «Найдёныш-2». 2011 г.

Тошкент Оқоми Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: 233-28-95, 236-57-85, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлариغا ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

ШАРК НАРОДАМ с 14 апреля по 27 мая. В ПРОГРАММЕ ПРИНИМАЮТ УЧАСТИЕ: ПАРОДИСТ, БАЛЕТНАЯ ГРУППА, ГИМНАСТЫ, АКРОБАТЫ, ДРЕССУРА - В МИРЕ ЖИВОТНЫХ

«YUSRA» хусусий фирмаси Яқсарой туман ҳокимининг 2001 йил 14 мартдаги 298-сонли қарори билан руйхатга олинган

Олмазор тумани, «Қўштут» маҳалласи, Сағбон кўчаси, 14-боши берк кўча, 28-уйда яшаган Музаев Фултонкул номлида бўлган уй режаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР КИЛИНАДИ

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 20 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг биров йиғилишига имконият яратмайди